

З илова

Тариф (ККС ва Махсус устама ҳак бидар)

Сув 1 м³ 1545 сум, Оқова 1 м³ 1097 сум

0035/1

-сонли шартнома

Истеъмолчиларга ичимлик ва оқова сувни хизматларини курсатиш учун

«14» 01 2022 й.

Ушбу шартнома «Фарғона сув таъминоти» МЧЖ иҳодор А.Ғонобозеров кейинги уринларда «Таъминотчи» деб юритилади Низом асосида фаолият юритувчи

шахсида, бир томондан ва кейинги уринларда «Истеъмолчи» деб юритилувчи Расулов Т.М., асосида иш олиб борувчи директор Расулов Т.М., иккинчи томондан, куйидагилар ҳакида тузилди:

I. Шартнома предмети

1.1. 2022 йил учун сув етказиш ҳажми учун тузилган шартномага мувофиқ юридик ташкилотлари (бундан буён матинда III гурӯх «Истеъмолчи» лари деб юритилади) учун сув етказиш 2014/2 нарх буйича 1545 м ни:
1м³ ичимлик сув учун 1545 сум (+ККС 15%), + _____ сум (махсус устама ҳак)ни;
1м³ оқова сув учун 1097 сум (+ККС 15%), + _____ сум (махсус устама ҳак)ни ташкил килмоқда.

Ичимлик сувининг уртача суткали сарфи (лимит) _____ м³.

1.2. «Таъминотчи» «Истеъмолчи»ни сифатли ичимлик сув билан таъминлаш ва «Истеъмолчи»дан оқова сувларни қабул қилиб олиш мажбуриятини уз зиммасига олади.

1.3. «Истеъмолчи» «Таъминотчи»га ичимлик ва оқова сув хизматлари учун туловларни харойнинг 10 санарага 100 фоизлик олдиндан ҳак тулаш тариқасида амалга ошириш мажбуриятини уз зиммасига олади.

1.4. Тарафлар ушбу шартноманинг ичимлик ва оқова сув хизматлари буйича шартларини бажариш, Узбекистон Республикасининг конунчилиги талабларига, Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 июлдаги 194-сонли карори билан тасдиқланган «Истеъмолчиларга сув таъминоти ва оқова сувни чиқариш хизматлари курсатиш Қоидалари»га (кейинчалик матнда Қоидалар деб юритилади), ҳамда маҳаллий ҳоқимият томонидан тасдиқланадиган маҳсус устама ҳаки 1м³ ичимлик сув учун 1545 сум, 1м³ оқова сув хизмати учун 1097 сум билан бирга «Таъминотчи» томонидан тақдим килниган ичимлик ва оқова сув тизимиға уланиш учун рухсат этувчи хужжатларга риоя қилиш мажбуриятини уз зиммасига оладилар.

II. Умумий қоидалар

2.1. «Истеъмолчи» «Таъминотчи» ташкилоти рухсати билан ва у техник имкониятларни мавжуд деб топган ҳолатларда, уз тасарруфидаги ичимлик ва оқова сув тармокларига, иншоот ва курилмаларга субистеъмолчиларнинг уланнишига рухсат бериш хукуқига эга.

2.2. «Истеъмолчи» билан субистеъмолчи уртасида тулов масалаларида пайдо буладиган низолар «Таъминотчи» ташкилоти томонидан куриб чиқилмайди.

2.3. Агар «Истеъмолчи» ва унга уланган субистеъмолчи турли гурӯх ва тоифали истеъмолчиларига мансуб булса, «Таъминотчи» ташкилоти билан шартномани «Истеъмолчи» ҳам, субистеъмолчи ҳам тузади ва сувни хисобга олиш приборини урнатиш ҳар иккаласи учун ҳам мажбурий хисобланади.

2.4. Ичимлик сувдан дов-даражаларни сугориш учун фойдаланишишга куйидаги истисно холатларда йул қуйилади: ирригация суви булмаганды, таъминотчи ташкилоти қуввати мавжуд булганда ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан тасдиқланган жадвал буйича, факат тунги вактда (соат 0000 дан соат 0500 гача) йул қуйилади.

2.5. Ичимлик ва оқова сув хизматидан истеъмолчи хужалик-истеъмол, майший эҳтиёж ва ёнғинларни учирин шамда технологияни шаблаб чиқариш жараёнлари учун фойдаланилади.

2.6. Сувни хисобга олиш приборлари Узбекистон стандартлаштириш, метрологияни сертификатлаштириш агентлиги томонидан текширилиб пломбаланади, шамда “Таъминотчи” томонидан пломбаланиши лозим. Шунингдек, ичимлик сувни хисобга олиш приборини ечин, киёслашдан утказиш ва урнатиш қонунчиликда белгиланган тартибида амалга оширилади.

2.7. «Истеъмолчи»га урнатилиши лозим булган сув улчаш приборининг шартли утказгичинин диаметри (калибри) хисоб-китоб асосида аникланади, обьектнинг максимал сув истеъмоли ва минимал сув истеъмолига текширилади шамда «Истеъмолчи» билан келишиллади. Хисоблаш прибори учун урнатилган минимал истеъмол микдоридан кам микдорда сув истеъмол қилинганда, «Таъминотчи» ходими сув улчаш тармоғини қайтадан курилма билан таъминлаш учун курсагма беради, ушбу курсатма бажарилмаганда, хисоблаш приборининг курсаткичлари кабул қилинмайди ва хисоблаш Қоидаларда урнатилган тартибида амалга оширилади.

2.8. Ичимлик ва оқова сув хизматлари хужалигининг реконструкцияси, хисоблаш приборларини ишга тушириш, хисоблаш приборларини алмаштириш, янги субистеъмолчиларининг уланиши «Истеъмолчи» томонидан факат «Таъминотчи» тарафдан тасдиқланган техник шартлар ва лойиҳа асосида амалга оптирилиши мумкин булиб, улар «Истеъмолчи»нинг сурвномаси асосида, барча тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда берилади. «Таъминотчи»дан олинган техник шартлар асосида, «Истеъмолчи» буюргасига асосан, амалдаги мөъёр, қоидалар ва бошқа мөъёрий ҳужжатлар асосида ишлаб чиқилади.

2.9. Курилган уламаларининг инга туширилиши «Таъминотчи» томонидан, «Истеъмолчи» ва курилиш ташкилот вакилларининг иштирокида амалга оширилади.

2.10. Ичимлик ва оқова сув хизматлари учун тарифлар ва устама ҳақ микдори узгарган санасидан қатти назар, унбу хизматлар юзасидан «Истеъмолчи» билан тузилган шартияма уз кучини сақлаб қолади ва «Истеъмолчи» курсатилган ҳизматлар учун, янги тарифлар асосида, улар кириғилган санадан ўтиборан туловларни амалга ошириши шарт.

2.11. Лимитдан ортиқча сув истеъмол қилинган ҳолатларда, «Таъминотчи» томонидан белгиланган тарифларга нисбатан 10,0 орттирилувчи коэффициентни куллап иули билан ҳақ ундирилади.

2.12. Куйидагилар «Таъминотчи» ташкилотлари билан «Истеъмолчи»лар шу жумладан, ҳусусий уй-жой мулқдорлари ширкатлари ургасидаи, ичимлик ва оқова сув хизмаглари гармоқлари, иншоотлари шамда курилмаларига ҳизмат курсатиш, уларнинг техник ҳолатини сақлани ва фойдаланиш юзасидан жавобгарлик чегаралари хисобланади:

а) ичимлик сув истеъмоли учун тармоққа уланишини узб қуиувчи кириш қулфи. Кириш қулфи билан ичимлик сувга уланиш, «Истеъмолчи»нинг ички ичимлик суви тизиминин бир қисми хисобланади;

б) оқова ҳизмати учун «Истеъмолчи» оқова тизимининг ички қисми ҳисобланувчи, магистрал оқова гармоғига уланиши нұктасидаги чиқарув қудуги. Агар чиқарувчи оқова қудуги (камераси) магистрал оқова тармоғида жойлашган булса, ушбу қудук «Таъминотчи» ташкилоти оқова тармоғининг бир қисми ҳисоблананиб, унга туташтирувчи фойдаланиш ҷизиги эса «Истеъмолчи»нинг маблағилари хисобидан амалга оширилади.

III. Тарафларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

3.1. «Истеъмолчи»нинг ҳуқуқлари:

3.1.1. Тегишли сифат даражасидаги ичимлик сув ва оқова сув тармоқларига ҳизмат курсатиш талабларини бажармаганлиги учун «Таъминотчи» ташкилотидан қонунчиликда ва шартнома шартларида курсатилган микдорда жарима (пеня)лар тулашни талаб қилини;

3.1.2. «Таъминотчи» ташкилотини шартномани бекор қилиш туғрисида, унинг бекор қилинишидан камида 15 кун олдин огохлантирган ҳолда ва ушбу муддатда сув таъминоти ёки оқова сувни чиқариш буйича курсатилган хизматлар учун туловларни тулиқ амалга оширган ҳолда шартномани бир томонлама бекор қилиш;

3.1.3. Ичимлик ва оқова сув хизматлари учун амалга оширилган туловларнинг ҳолати, қарзларнинг йўқлиги ҳакидаги маълумотлар ва маълумотномани шахсан ёки уз вакили орқали бепул олиш;

3.1.4. «Таъминотчи» ташкилотидан ичимлик ва оқова сув хизматлари ҳажми ва сифати, уларни амалга ошириш шартлари, туловлар тарнифи ва тартибларнинг узгариши ҳакидаги маълумотларни бепул олиш;

3.1.5. Ичимлик ва оқова сув хизматлари курсатилмаётгандиги ёки уларнинг паст сифатда эканлиги туғрисидаги далолатнома тақдим этилгандан кейин 18 соат мобайнида «Таъминотчи» ташкилотидан носозлик ва камчиликларни бартараф этиш буйича маълумотларни олиш;

3.2. «Истемолчи» нинг мажбуриятлари:

3.2.1. Оқава тармогида авария булган тақдирда ертула хоналарини сув босишидан сақладиган барча учирувчи курилмаларнинг бут сақланганлиги, ишга яроклилиги ва нормал техник ҳолатда булишини таъминлаш;

3.2.2. Истемолчига қарашли санитария асбоблари, оқава тармоклари, иншоот ва курилмаларда тамабанинг йўқлиги, ревизияларнинг зич ёпилмаслиги, носоз техник ҳолати туфайли истемолчининг оқава тармокларида ёки «Таъминотчи» ташкилотида, ичимлик сув ва оқованинг ташки тармокларида авария (тиқилиб қолиш, сув босиш) содир булиши сабабли ертула хоналарини сув босиши оқибатида етказилган зарарни қоплаши;

3.2.3. «Таъминотчи» ташкилоти билан хисоб-китоб қилиш учун фойдаланиладиган сувни хисобга олиш прибори, айланма линия зулфини, ёнғин зулфинлари, гидрантлар ва унинг худудида ёки тасарруфида булган ҳамда «Таъминотчи» ташкилоти томонидан пломбаланган бошқа ичимлик сув курилмаларидағи пломбаларнинг бутлиги ва саклаш;

3.2.4. «Таъминотчи» ташкилотига ичимлик ва оқава сув тармоклари, иншоотлари ва курилмаларининг шикастланиши туфайли етказилган зарар учун қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгарлик;

3.2.5. Ичимлик суви таъминотининг ёнгинга қарши тизимидан фойдаланиш тухтатилганда «Истемолчи» 24 соат мобайнида «Таъминотчи» ташкилотига пломба узилгани туғрисида далолатнома тақдим этиши ва зулфинларни пломбалаш учун «Таъминотчи» ташкилоти вакилини чакириш;

3.2.6. «Таъминотчи» билан тузилган шартномага мувофик мажбуриятларига риоя қилиш, харойнинг 23 дан 25 гача санасида курсаткичларни уз вактида ва аниқ ечиб олиш ҳамда ушбу курсаткичларни «Таъминотчи»га кечикмаган ҳолда тақдим қилиш ва туловни амалга ошириш.

3.3. «Таъминотчи» нинг хуқуқлари:

3.3.1. «Таъминотчи» ташкилоти, истемолчини 7 кун аввал ёзма равишда огохлантирган ҳолда, қуидаги ҳолатларда сувни узатиш ва оқава сувларни қабул қилишни тулиқ ва қисман тухтатиши мумкин:

а) «Истемолчи»га тегишли ва унинг тасарруфида булган ичимлик ва оқава сув тармоклари, курилма ва иншоотларнинг техник ҳолати кониқарсиз булганда ва «Таъминотчи» ташкилоти вакиллари томонидан аникланган техник фойдаланишдаги хатоликларни бартараф этиш буйича «Таъминотчи» ташкилоти талаблари истемолчи томонидан бажарилмаганда;

б) «Таъминотчи» ташкилот мансабдор шахси истемолчининг сувни хисобга олиш узели, ичимлик ва оқава сув тармоклари, курилмалари ва иншоотларини назорат қилиш ҳамда сувни хисобга олиш прибори курсаткичларни кайд этиш, пломбаларни урнагиши максадида куздан кечириш, белгиланган лимитдан куп сарф қилинганда сув беришни мувофиклаштириш ва «Таъминотчи» ташкилоти нарядлари буйича бошқа ишларни бажариш учун келганда истемолчи томонидан асоссиз равишда киритилмаганда;

в) «Таъминотчи» ташкилоти томонидан истеъмолчи улангани ичимлик ва оқова сув тармоқлари, курилмаларида режали-оѓохлантириш тарзида таъмирлаш ҳамда хизмат курсатиш ишлари утказилганда, шунингдек, янги истеъмолчиларни улаш ишлари амалга оширилганда;

г) «Истеъмолчи» тасарруфида булган ичимлик ва оқова сув тизимлари ёки тармоқларига субабонентларнинг узбошимчалик билан улангани аниқланганда;

д) «Истеъмолчи» томонидан ичимлик ва оқова сув хизматлари учун белгиланган муддатларда ҳақ туланмаганда;

е) «Истеъмолчи»нинг тасарруфида булган ичимлик ва оқова сув тармоқларига, курилмаларида «Таъминотчи» ташкилотидан уланиш учун белгиланган тартибда рухсатнома олган субабонентларнинг тегиши таргидга уланиши рад этилганда,

ё) «Истеъмолчи» томонидан шартнома шартлари бажарилмаганда ва у оқизилаётган оқова сувлар мидори ва таркиби буйича шартларга риоя килмаганда.

3.3.9. «Таъминотчи» ташкилоти қўйидаги ҳолатларда олдиндан хабар қилмасдан сув узатишни гулиқ ёки қисман тухтатишга ҳақли:

а) «Таъминотчи» ташкилотининг электр таъминоти тухтатилганда;

б) Табиий оғатлар рўй бергандা;

в) Авария ҳолатларида;

г) Ёнғин чикқан жойларга сув узатишни купайтиришга зарурат туғилганда.

3.4. «Таъминотчи»нинг мажбуриятлари:

3.4.1. Сув таъминоти ва оқова сувни чикқарib юбориш юзасидан шартнома шартларини бажариш;

3.4.2. Ичимлик ва оқова сув тармоқларининг техник ҳолатини мунтазам равишда назорат килиб бориш;

3.4.3. Тармоқдаги ичимлик сув сифати мониторингини олиб бориш;

3.4.4. Истеъмолчиларнинг ичимлик ва оқова сув тизимларига улангани ичимлик сув ва оқава тармоқлари, иншоотлари ҳамда курилмаларининг ҳолатини ва улардан фойдаланилишини мунтазам равишда назорат килиб бориш, улардан самарали фойдаланишини гашкиллаштиришда истеъмолчиларга амалий ёрдам курсатиш;

3.4.5. Истеъмолчилар томонидан сувни беҳуда сарфининг олидини олиш, саноат корхоналари ва уларга тенглаштирилган корхоналarda сув берини буйича белгиланган лимитларга риоя килинаёттанини мунтазам равишда назорат килиш;

3.4.6. Сув истеъмолчи белгиланган меъёр (лимит)лардан ортиб кетган ҳолатларда «Таъминотчи» ташкилотларига белгиланган тарифларга нисбатан ортирилувчи 10,0 коэффициентни қуллани;

3.4.7. Оқова сув тизимиға оқизилаётган оқоваларнинг сифати мониторингини гаъминлаш;

3.4.8. Шартнома шартларига мувофик уз мажбуриятларни бажара олмаган ҳолатларда истеъмолчига пена хисоблаш;

3.4.9. Истеъмолчиларнинг шартнома шартларига риоя этишмагани масаласи буйича суд органларига мурожаат килиш;

3.4.10. Ичимлик ва оқова сув хизматлари учун амалга оширилган туловларини ҳолати, карзларнинг йўклиги ҳақидаги маълумотларни истеъмолчиларга бепул тақдим этиш;

3.4.11. Ичимлик ва оқова сув хизматлари тарифларидағи узгаришлар ҳақида улар амалда жорий килинишидан 15 кун аввал оммавий ахборот воситалари ёрдамида истеъмолчиларни хабардор килиш;

3.4.12. Ичимлик ва оқава сув хизматларини қурсатишда рўй бериши мумкин булган режали тухтатиш ва узилишлар ҳақида истеъмолчилар узилишлар бошлангунгача 10 иш кунидан кечикмай оѓохлантириш.

IV. Таравларнинг жавобгарлиги

4.1. «Таъминотчи» ушбу шартномага мувофик мажбуриятларни бажармасликда ёки лозим даражада бажарилмаган ҳолларда келиб чиқсан зарарни, «Истеъмолчи» эса етказилган ҳақиқий зарар урнини қоплаши шарғ.

4.2. «Истеъмолчи» қўйидагилар учун жавобгардир:

- а) Ичимлик сувни хисобга олиш прибори пломбалари бутлиги, айланиш чизиги жумраги, гидрант ва бошқа сув узатиш мосламаларидағи кисмларининг худудиди ва тасарруфида булган пломбаланган хисоблаш қурилмаларининг бутун сақланиши учун;
- б) Сув тармоқларига уз бошимча уланиб олиш, совук сувни хисобга олиш қурилмаларининг қасддан бузилишига йул қўйиш ҳамда сув хисоблаш приборларидаги курсаткичларни ташқаридан аралашган ҳолатлари учун;
- в) Узбошимчалик билан қурилган иншоотлар сабабли тармоқлардаги авариялар булган ҳолатларда;
- г) Дренаж тизми мавжуд булса «Истеъмолчи» худудида жойлашган оқова тармоғига ёмғир ва эриган кор сувларнинг тушишига йул қўймаслиқ. Ушбу қоидабузарлик аниқланганда «Таъминотчи» урнатилган таргифда далолатнома тузади ва ушбу далолатнома «Истеъмолчи»нинг масъулият ва жавобгарлик чорасини белгилаш учун асос булиб хизмат қиласди;
- д) Қонунчиликда урнатилган бошқа ҳолларда.
- 4.3. «Таъминотчи» қўйидаги ҳолларда жавобгардир:
- а) Амлдаги меъёрий-хукукий хужжатларнинг талабларига мувофиқ ва қонунчиликда кузда тутилган бошқа ҳолларда;
- б) «Истеъмолчи»ларга ичимлик ва оқова сув хизматларидан фойдаланиш учун зарур булган техник шартларни уз вактида ва ишончли тақдим килиниши учун;
- в) «Истеъмолчи»нинг ҳаёті, саломатлиги ва мол-мулкига етказилган зарап, маънавий зарап учун қонунчиликда урнатилган тартиб ва микдорда коплаш;
- г) Шартнома шартлари ва юклатилган мажбурияtlарни бажармаслиқ.

V. Сув таъминоти ва сув чиқариш хизматлари учун хисоблар ва туловларнинг тартиби

5.1. Ичимлик ва оқова сув таъминоти тизимидан чиқарилган (қабул қилинган) сувнинг хисоби хисоблаш прибори мавжуд булганда, хисобга олиш приборининг курсаткичларига мувофиқ амалдаги тарифлар буйича ҚҚСни хисобга олган ҳолда амалга оширилади.

5.2 «Истеъмолчи» ичимлик ва оқова сув хизмати учун хисобга олиш приборлари мавжуд булганда охирги уч ойнинг ургата сарфи буйича қейинги ой учун ҳар ойнинг 10-санасига қадар 100 фоиз олдиндан ҳақ тулашни амалга оширишлари лозим.

5.3 Туловнинг шартномада белгиланғандан кечикирилган ҳар бир куни учун истеъмолчи 0,4 фоиз пеня тулади. Аммо бу курсаткич жами кечикирилган сумманинг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

5.4 «Истеъмолчи» қейинги ой учун ҳар ойнинг 10-санасига қадар 100 фоиз олдиндан ҳақ гуловларини амалга оширмасалар, истеъмолчиларни ёзма равищда хабардор қилган пайтдан бошлаб беш иш куни утгандан кейин қарзларни қонун хужжатларида белгиланған тартибда истеъмолчиларни ичимлик сув таъминоти ва сув чиқариш хизмати тармоқларидан узиб қўйиш йули билан ундириш чораларини куради.

Бундай ҳоллarda ёнғиндан сақланиш ва санитария ҳолатлари учун жавобгарлик тулиқ «Истеъмолчи» зиммасига юклатилади. Сув таъминоти ва оқова сув чиқариш тизимидан илгари узиб қўйилган ҳолларда қайта улашда «Истеъмолчи»дан базавий хисоблаш микдорининг 10 (ун) баробари микдорида тулов қайта улашни амалга оширган ташкилот хисобига маблағларни утказиш орқали ундирилади;

5.5. Оқова тизимиға келиб тушувчи оқова сувининг микдори, ичимлик сув тармоғидан етказиб бериладиган ичимлик сув микдорига teng. Марказлашган иссиқ сув таъминоти мавжуд булган ҳолларда, истеъмол қилинувчи ичимлик сув микдорига оқова сув тармоқлари хисоби учун 2,0 коэффициенти қулланилади. «Истеъмолчи»нинг узида сув таъминотининг қурилмалари мавжуд булса, оқова сувларининг микдори ушбу сув қурилмаларининг маҳсулдорлигига (урнатилган ва руйхатга олинган хисоблаш приборларининг курсаткичларига) қупайтирилади. Ички сув таъминоти тизими «Истеъмолчи»нинг шахсий автоном манбаси билан боғлиқ бўлмаслиги лозим.

5.6. Объект эгаси автоном сув таъминоти (кудук, очик сув олиш ҳавзаси, ирригация тизими)га ва (ёки) марказий оқова тизимидан бошқа оқова ташлаш манбаларига эга булган ҳолатларда «Таъминотчи» ташкилоти билан шартнома тузиш учун маҳсус табиий сув объектларидан маҳсус сув олиш ёки истеъмол қилиш учун рухсатномани қўшимча равишда тақдим этиши зарур.

5.7. Сув таъминотининг хусусий автоном манбай (артезиан скважинаси, кудук, очик сув ҳавзаси, ирригация тизими ва бошқалар) мавжуд булганда оқова тизимига оқова сувларни оқизиш учун туловлар урнатилган насоснинг ишлаб чиқариш куввати ёки урнатилган ва руйхатдан утказилган хисоблаш приборининг курсаткичлари асосида амалга оширилади. «Истеъмолчи»га карапили булган автоном сув таъминоти манбайнинг ички тизими марказий сув таъминоти тизими билан туташмаган булиши шарт

VI. Алоҳида шартлар

6.1. Объект эгаси узгарганда истеъмолчи чиқиб кетишидан 7 кун аввал мавжуд қарзларини тулаб, бу ҳақда «Таъминотчи» ташкилоти билан далолатнома нимзолаши шарт. «Истеъмолчи» чиқиб кетгач сувни хисобга олиш прибори, пломбаларнинг бутлиги ва қопланмаган дебитор қарздорлик учун жавобгарлик объекгнинг янги эгаси зиммасига юкландади.

6.2. Етказиб берилган ёки қабул килинган ичимлик суви ҳажми қувурнинг утказиш кобилиятидан келиб чиқиб ойнинг календар кунлари хисобидан кўйдаги формула асосида хисобланади:

$$Q = M \times F \times \sqrt{2g \times H \times t}$$

бунда: M 0,60га тенг булган зулфин орқали сув сарфи коэффициенти;

F суюқлик оқиб утадиган қувур ёки тешик кесими майдони (ички диаметр буйича) m^2 ;

g 9,81 м/сек га тенг булган эркян тупшиш тезлиги;

H сувнинг метрлардаги босими;

t вакт- 24 соат, секундларда.

Кўйидаги ҳолатларда юқоридаги формула асосида ҳисобланади:

6.2.1. «Истеъмолчи»да сув улчаш прибори ва мосламалари йўқ булган ҳолатларда (ёки носоз холатда);

6.2.2. Сув улчаш прибори ёки мосламаси «Таъминотчи»да руйхатдан утмаган тақдирда;

6.2.3. Ичимлик суви билан узбошимчалик билан фойдаланганда;

6.2.4. Сув улчаш прибори, мосламаси ишдан чиқкан, синган, бузилган ҳолатда, сарфланган сув ҳажми сунгти тузилган далолатнома муддатидан янги сув улчаш прибори урнатилган (руйхатдан утказилган) кунгача ҳисобланади;

6.2.5. «Таъминотчи»нинг сув улчаш буғинини диаметри кичикроқ булган мосламага алмаштириш туғрисидаги талабномаси кондирилмаган ва бажарилмаган ҳолатларда;

6.2.6. Сув улчаш приборининг ҳисоб-китобини олиб бориш буғинидаги қўйилган ҳимоя қопламига (пломбага) рухсатсиз тегилиш натижасида, ичимлик сув сарфини аниқлаш имконияти чегараланганда;

6.3. Ичимлик ва оқова сув тизимларига (жумладан ёнғиндан сакланиш гидрант ва қувурларига) узбошимчалик билан уланиб олинган ва фойдаланилган ҳолатлар аниқланганда «Таъминотчи» томонидан далолатнома тузилади ва шу тузилган далолатнома узбошимчалик билан уланиб олган шахснинг жавобгарлиги даражасини аниқлаш ва «Таъминотчи»га етказилган зарарни ҳисоблаш учун асос булиб хизмат киласди. Бунда:

- тулов муддати, энг сунгти тузилган далолатнома санасидан узбошимчалик билан уланиб олинган кун санасигача ёки янги сув улчаш прибори урнатилиб, руйхатдан утказилган кунгача ёки узбошимчалик билан уланиш узбиз ташланган кунга қадар ҳисобга олинади;

- узбошимчалик билан уланиб олинган санадан бу ҳақда маълум булган санагача, агар «Таъминотчи» балансдаги тармокларга уланиш содир этилган булса, бу муддат даъво аризаси ёзилган муддатдан ошмаслиги зарур. Агар узбошимчалик билан уланган санани топиш, аниқлаш мумкин булмаса, бу муддат даъво муддатига тенг деб олинади.

6.4. Техник шартлар 2 йил муддатта берилади. Белгиланган муддат тугагач буюртмачи (объектни лойхалашгириш ва қуришни бошлаш учун) лойиха муддатини чуздириши ёки янги техник шартларни олиши зарур.

Техник шартлари мавжуд булмаган холда ёки муддати утган холда, «Таъминотчи» томонидан сув узатиш хизматларини якунлашга асос булади.

6.5. «Истеъмолчи» ичимлик ва оқова сувни тармокларига уланиш санаси ҳақидаги хужжатларни тақдим этмаган ҳолатларда «Таъминотчи» томонидан хоким қарори ва кадастр хужжатлари ҳамда шу кабилар асосида хужжат билан тасдиқланган уланиш санаси буйича хисоб-китоб қилишга ҳақлидир.

6.6. Ишлатилган ичимлик суви ва қабул қилинган оқова сув учун туловлар «Таъминотчи» томонидан тақдим этиладиган тулов талабномалари асосида уларга хизмат қилувчи банклар орқали амалга оширилади. Бу туловлар «Истеъмолчи» томонидан 3 кунлик муддат ичida акцептсиз тартибда амалга оширилади. Туловлар уз вақтида амалга оширилмаган тақдирда «Таъминотчи» кечикирилган туловнинг ҳар бир куни учун 0,4 фоиз пеня ёзди ва унинг умумий қиймати асосий туловнинг 50%дан ошмаслиги лозим.

6.7. Оқова тизимиға рухсат этилмаган ёмғир ва эркин кор сувлари оқизилаётган, ишлаб чиқариш оқова сувларини «Истеъмолчи»лар томонидан ташлаш тартиби Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 3 февраль кунидан қабул қилинган 11 сонли қарори билан тасдиқланган “Ишлаб чиқариш оқова сувларини қабул қилиш қоидалари” ҳамда ифлослантирувчи моддаларнинг Узбекистон Республикаси шаҳарлари ва бошқа аҳоли пунктларининг оқова тармокларига нормативдан ортиқча оқизилганлиги учун «Истеъмолчи»ларга белгиланган тарифга нисбатан 3 (уч) баробар ортирилувчи коэффицент микдор тартибда хисобланади.

6.8. Оқова сувни чиқариб юборишининг ҳажми ва таркиби буйича меъёрлар билан белгиланган оқизишнинг йул қўйиладиган чекланган микдоридан ортиқча оқова сувлар ва ифлослантирувчи моддаларнинг чиқариш тақиқланади.

6.9. Ифлослантирувчи моддаларни нормативдан ортиқча оқизганлик учун компенсация туловларини хисоблаб ёзиш тартиби Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 11 октябрдаги “Табиатни муҳофаза қилишни таъминлашнинг иктисодий механизmlарини янада гакомиллашгириш чора-тадбирлари түгрисида”ги 820-сон қарорига мувоғик амалга оширилади.

6.10. Ишлаб чиқариш оқова сувларини қабул қилиш қоидалари ҳамда ифлослантируvчи моддаларнинг Узбекистон Республикаси шаҳарлари ва бошқа аҳоли пунктларининг оқова тармокларига нормативдан ортиқча оқизилганлиги учун компенсация туловларини хисоблаш тартиби асосида амалга оширилади, дебитор қарздорлик туланимagan тақдирда «Истеъмолчи» оқова тармокларидан узид қўйилади.

6.11. Ҳисоб-китобнинг нотуғри қилинганлиги (тарифларнинг нотуғри ҳисобига олинганлиги ва шу каби ҳолатлар) түгрисида «Истеъмолчи» ёзиладиган эътироznома тулов хужжати олингандан кейин 5 кун муддатда «Таъминотчи»га тақдим этилиши керак. Эътироznома «Истеъмолчи»ни тулов талабномаси ва хужжатида курсатилган суммани тулиқ ва белгиланган муддатда тулашдан озод килмайди.

VII. Низоларни ҳал этиш тартиби

7.1. Тарафлар ургасида шартнома юзасидан келиб чиқсан низолар, келишув йули билан ҳал қилинади.

Агарда икки томонлама келишувга эришилмаса, низолар Узбекистон Республикаси қонунчилигига мувоғик юридик «Истеъмолчи» давлат руйҳатидан утган суд органларида куриб чиқилади.

7.2. Ушбу шартномада белгиланган ҳолатлар юзасидан низо келиб чиқсан тақдирда Қонунчиликда белгиланган тартибда ҳал қилинади.

VIII. Форс мажор

8.1. Агар ушбу шартнома буйича мажбуриятлар кисман ёки тулик бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошқа енгиг булмайдиган күч (форс мажор) ҳолатлари (зилзила, сув тошқини, ёнгин, сел, дул, жала ва бошқа табий оғатлар) натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар музкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай бажармаслик учун жавобагарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома буйича мажбуриятларни бажариш муддати снгиб булмайдиган күч ҳолатлари амал қылган, шунингдек, ушбу ҳолатлар юзага келтирған вақтта мутаносиб равишда узайтирилади.

8.2. Форс-мажор ҳолати мавжуд булған томон 3 күн ичидә бопшқа томонни форс-мажор ҳолати бошланған муддатларни курсаттан ҳолда ёзма равишда огохлантириши лозим.

8.3. Агар форс-мажор ҳолатининг шартнома шартларини бажаришга уч ойдан күп муддат тускінлик қылса, томонлардан бири шартноманы бекор қылыш ҳукуқыга эга.

IX. Шартноманинг амал килицүү муддати

9.1. Ушбу шартнома иккى нусхада түзилгандын булиб, иккى тарафда бир нусхадан сакланади.

9.2. Шартнома, имзоланған кундан 5 йил муддат давомида ҳақиқий ҳисобланади. Зарур ҳолатларда шартнома узайтирилиши ҳам мүмкін, бунда томонлардан бири шартноманинг амал қилицүү муддатини вақтідан аввал тұхтатмаган, «Истемолчи» шартнома муддати тугашидан 15 күн аввал «Тальминотчины огохлантирган» ва шу вақттагача ичимлик сувини етказиб берип шартноманинг амал қилицүү муддати тұлған булиши лозим.


X. Тарафларниң юридик мәнзили:

«ТАЛЬМИНОТЧИ»



Рахбар

«ИСТЕМОЛЧИ»



Рахбар

Юридик ҳулооса:

Ушбу шартнома Кыргыз Республикасының Фуқарорлық қодекси менен «Хужалик юритувчи субъектларнин шартномаларын асости түрлесидә» ти Кондагатапашарыга мулоғиқ түзилганды.

Юрисконсульт: